

8-1-2018

RENTABILITY: DETAILS AND METHODS OF ITS IMPROVING

M. Ismailova

Tashkent Financial institute

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance>

Recommended Citation

Ismailova, M. (2018) "RENTABILITY: DETAILS AND METHODS OF ITS IMPROVING," *International Finance and Accounting*: Vol. 2018 : Iss. 4 , Article 27.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2018/iss4/27>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in International Finance and Accounting by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

Исмаилова М.М. – ТМИ, ўқитувчи

РЕНТАБЕЛЛИК: АНИҚЛАШ ВА УСЛУБИЙТАКОМИЛЛАШТИРИШОМИЛЛАРИ

Мақолада маҳсулот ишлаб чиқариш рентабеллик кўрсаткичи аниқлашни ҳозирги ҳолати баён этилган. Бу борада амалдаги тартибларда эътибор берилмаган жиҳатлар ҳамда йўл қўйилаётган камчиликлар кўрсатилиб, уларнинг бартараф этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилган. Рентабеллик кўрсаткичини пул оқимлари асосида аниқлаш бўйича фикрлар билдирилган.

Калит сўзлар: Ҳисобот даврида маҳсулот ишлаб чиқариш таннарни, ҳисобот даврида маҳсулот сотишдан олинган фойда, фойдалилик даражаси, рентабеллик, маҳсулот ишлаб чиқариш рентабеллиги, ҳисобот давридаги маҳсулот ишлаб чиқариш рентабеллиги, ҳисобот даврида сотилган маҳсулот рентабеллиги, пул оқимлари асосида ҳисобланадиган маҳсулот рентабеллиги.

В статье изложено современное состояние определения рентабельности производства продукции. Показаны места, которым не уделено внимание и недостатки в этой сфере, и разработано практическое предложение по их устранению. Выражено инновационное предложение по определению показателей рентабельности на основе денежных потоков.

Ключевые слова: Себестоимость продукции в отчетном периоде, прибыль от реализованной продукции в отчетном периоде, уровень прибыльности, рентабельность, рентабельность продукции, рентабельность продукции в отчетном периоде, рентабельность реализованной продукции в отчетном периоде, рентабельность продукции рассчитанный на основе денежных потоков.

Present state of the product profitability determination is the matter in the article. Attentions have not been paid and shortcomings in the sphere have shown and practical suggestions have been developed to eliminate them. Innovation proposal has been expressed on determination of profitability indicator on the basis of cash flows.

Key words: Cost of goods sold in reporting period, income from goods sold in reporting period, level of profitability, profitability, product profitability, product profitability in reporting period, goods sold profitability in reporting period, product profitability calculated on the basis of cash flows.

Кириш

Корхоналар бизнес фаолиятида юқори самарага эга бўлган маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш иқтисодий субъектларни ривожлантирувчи муҳим омиллардан бири саналади. Мамлакатимизда ҳам иқтисодиёт соҳасида олиб борилаётган ислохотларнинг устувор йўналишларидан бири - энг аввало, маҳаллий хом-ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришга

қаратилган тадбирларни амалга ошириш эканлиги белгилаб қўйилган [1]. Айтилганлардан келиб чиқадики, корхоналарда бу борадаги ишларни тўғри йўлга қўйиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан ҳисобланади.

Бизнес фаолиятида маҳсулот ишлаб чиқариш рентабеллиги кўрсаткичи муайян маҳсулотнинг самарасини, аниқроғи, унинг нечоғлик фойдалилик даражасини кўрсатиб беради. Яъни, маҳсулот ишлаб чиқаришга сарфланган бир сўмлик харажат қанча фоиз фойда келтиради ёки келтирди деган саволга жавоб беради. Демак, маҳсулот ишлаб чиқариш рентабеллигини тобора ошира боришга эришиш ҳар бир хўжалик субъекти олдида турган муҳим тадбирлардан бири экан.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Бироқ, кузатишларимиз натижасида маълум бўлдики, соҳага доир адабиётларда ҳамда амалий хўжалик жараёнларида, айнан, маҳсулот ишлаб чиқариш рентабеллиги кўрсаткичини тўғри ҳисоб-китоб қилишга етарлича аҳамият берилмаётган ҳолатлар кўплаб учради. Бундан ташқари, маҳсулот ишлаб чиқариш рентабеллиги кўрсаткичини аниқлашнинг амалдаги тартибларида ҳам жиддий камчиликлар мавжудлиги маълум бўлди [2-; 3-; 4-; 5-; 6-; 7-; 8-; 9]. Иқтисодчи олимлар ўртасида мазкур масалага турлича ёндашувларни борлиги, бу борада яқдил ечимга келишни янада мураккаблаштиради.

Фикримизга асос келтириш учун муаллифларнинг бу борадаги фикрларини ҳавола этмоқчимиз.

Бир гуруҳ муаллифлар [5] ишлаб чиқариш фаолияти рентабеллигини фойдани харажатларга нисбати билан ҳисобланишини тавсия этмоқдалар. Бироқ, бу ерда фойда ҳамда харажат тушунчасига аниқ ёндашув мавжуд эмаслиги кўзга ташланади. Мисол учун, айнан қайси турдаги фойда ёки харажат? Ҳисоб тизимида мазкур тушунчаларнинг (объектлар) бир неча тури мавжуд. Уларнинг алоҳида олинган ҳар бири тури миқдор ва мазмун жиҳатдан бошқаларидан кескин фарқ қилади. Демак, рентабеллик кўрсаткичини ҳисоблашда турли ҳисоб объектларини қўлланилиши бир-биридан фарқ қилувчи турли натижаларни беради. Айрим муаллифлар [3] эса сотилган маҳсулот рентабеллигини (ишлаб чиқариш рентабеллиги бўйича) маҳсулотнинг фойдалилик даражасини аниқлаш учун тавсия этганлар. Бироқ бу ерда ушбу кўрсаткични ҳисоблаш чекланган тавсиф касб этиб қолмоқда. Эътибор берилса ҳисоблаш объекти қилиб фақат сотилган маҳсулотга тегишли ишлаб чиқариш таннархи ҳамда маҳсулот сотишдан соф тушум кўрсаткичи олинган холос. Шу ерда ўз-ўзидан савол келиб чиқади, маҳсулотнинг сотилмаган қисми рентабеллик кўрсаткичини аниқлашда эътиборга олинмайдими? Башарти, ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳисобот даврида тўлиқ сотилса, у ҳолда мазкур фикр тўғри деб қабул қилинади. Лекин, амалиёт натижаларини кўрсатишича, кўп ҳолларда ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг муайян бир қисми сотилмай қолиши, кейинги ҳисобот

даврларида сотилиши ёки ўз ички хўжалик эҳтиёжига сарфланиши каби ҳолатлар мавжуд.

Учинчи гуруҳ муаллифлар[6] ишлаб чиқариш харажатларига нисбатан рентабеллик кўрсаткичини соф фойдани ишлаб чиқариш харажатларига нисбати билан аниқлаш керак деган фикрни билдирадilar. Ушбу тартибда жуда ҳам кўп мунозарали ҳолатлар мавжуд. Биринчидан, соф фойда кўрсаткичи ҳисобот даврида корхона жами даромадларидан жами харажатларининг ижобий фарқи тарзида юзага чиқади. Демак, уни ҳосил бўлиши нафақат ишлаб чиқариш фаолияти харажатларига, балки корхона бизнес фаолиятини бошқа турдаги харажатларига ҳам боғлиқ бўлади. Корхонада ишлаб чиқариш фаолияти харажатлари оптимал бўлиши мумкин, бироқ бошқа турдаги харажатлар (давр харажатлари, молиявий харажатлар ва шу кабилар) соф фойда шаклланишига жиддий салбий таъсир этиши ҳолатлари мавжудлигини ҳам эътиборга олиш керак. Бу ҳолатда соф фойдани ишлаб чиқариш фаолияти самарасини аниқлаш учун ҳисоб объекти қилиб белгиланиши ишлаб чиқариш фаолияти самарасини кескин пасайтириб кўрсатиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Яна, мазкур ҳисоблаш тартибидаги ишлаб чиқариш харажатлари тушунчасини ҳам аниқлаштириш талаб этилади. Муайян ҳисобот давридаги ишлаб чиқариш харажатлари ўз ичига тугалланмаган ишлаб чиқариш харажатларини ҳам қамраб олади. Агар, тугалланмаган ишлаб чиқариш харажатлари салмоғи ишлаб чиқариш харажатлари ичида сезиларли аҳамиятга эга бўлса, у ҳолда ҳисобот давридаги ишлаб чиқариш фаолияти рентабеллиги нотўғри аниқланиши мумкин.

Бир қатор муаллифлар[2-; 4] маҳсулот ишлаб чиқариш рентабеллиги кўрсаткичини корхоналар фаолиятида фойдалиликни аниқловчи рентабеллик кўрсаткичлари таркибига киритмаганлар ҳам. Яъни, мазкур кўрсаткич зарурати ҳамда амалий аҳамиятига эътибор бермаганлар.

Бу борада, иқтисодиёти ривожланган хорижий мамлакатлар ҳисоб тизими назарияси ҳамда амалиётига тажрибасига қарасак уларда қуйидаги жиҳатларни кўриш мумкин [7-; 8]. Маҳсулот ишлаб чиқаришнинг фойдалилик ҳолатини аниқлашни башоратлаш ҳамда режалаштириш учун бошқарув ҳисоби ва таҳлилида зарарсизлик нуқтаси ва энг оптимал маржинал фойда ҳажмини аниқлаш усулидан кенг фойдаланади. Ушбу усулда маҳсулот ишлаб чиқаришга кетадиган ўзгармас ва ўзгарувчан харажатлар қиймати, зарар кўрмаслик ҳамда энг оптимал маржинал фойда нуқтасини таъминловчи маҳсулот миқдори, олиниши кутилаётган маржинал фойда, маҳсулот баҳоси ва бошқа харажат турларини вақт давомида ўзгариши мумкин бўлган даражалари ҳамда уларнинг маржинал фойдага таъсирлари олдиндан ҳисоб-китоби қилинади ва фаолият давомида узлуксиз тарзда назорати таъминланади. Бу ёндашувда муайян маҳсулот ишлаб чиқаришдан олинadиган даромаддан ишлаб чиқаришга сарфланадиган жами харажат қиймати айрилиб олиниши мумкин бўлган фойда суммаси топилади. Ҳисобланган фойда суммаси (ёки барча маҳсулотлардан олинadиган фойда суммаси йиғиндиси) операцион фаолият, молиявий фаолият, солиқ тўловлари харажатларини

қоплаб қолган соф фойда суммаси корхона фаолиятига зарур бўладиган тегишли жамғарма ёки захиралар шакллантиришга ҳамда дивиденд тўловларини мақсадга мувофиқ амалга ошириш учун етарли бўлса мана шундай ҳолатда маҳсулот ишлаб чиқариш самарали деб баҳоланади. Бу ерда, бу ерда асосий жиҳат маҳсулот ишлаб чиқаришдан олинган маржинал фойда ҳажмига қаратилади. Яна бир муҳим томон. Мазкур ёндашувдаги амаллар учун левереж усули қўлланилса, у ҳолда маҳсулотнинг фойдалилиги маҳсулотдан олинган фойда ҳажмини фоизларда ўзгаришини айнан шу маҳсулот миқдорини фоизларда ўзгаришига нисбати билан ҳисобланади[9]. Бунда, маҳсулот ҳажмини бир фоиз ўзгаришига тўғри келадиган фойда фоизини ўзгариш миқдори топилади. Аниқланган кўрсаткични ўсиши маҳсулотнинг фойдалилик даражасини ошиб боришини тавсифлайди.

Хориж тажрибасига яна бир мисол. Ишлаб чиқариш рентабеллигини аниқлашда иқтисодий харажат тушунчаси қўлланилади[10]. Иқтисодий харажат бу тўғри(direct) ва эгри(indirect) харажатлар йиғиндисидан ташкил топади. Бироқ, иқтисодий харажат таркиби фаолият хусусиятидан келиб чиқади. Шу сабабли, ишлаб чиқариш харажатлари таркиби қатъий белгиланмайди.

Фикримизни умумлаштириб айтишимиз мумкинки, хориж тажрибасида ҳам маҳсулот ишлаб чиқариш фойдалилигини ҳисоблаш учун турли ҳисоблаш объектларидан ва тартибларидан фойдаланади. Таъкидлаш керакки, қайд этиб ўтилган ҳар бир кўрсаткич корхона бошқарув мақсадларидан келиб чиқиб ўзининг ўрни ҳамда амалий аҳамиятига эга.

Тадқиқот методологияси

Тадқиқот иш жараёнида иқтисодий воқелик жараёнларини ўрганишнинг илмий усуллари – экспериментал тадқиқот, умумлаштириш, гуруҳлаштириш, таҳлилнинг мантикий ва таққослама усуллари, индукция ва дедукция, абстракт-мантикий фикрлаш, қиёсий таҳлил, истиқболли прогнозлаш ва бошқа усуллардан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар

Ҳисобот давридаги маҳсулот ишлаб чиқариш рентабеллиги кўрсаткичинини аниқлаш формуласи қуйидагича бўлади:

$$\text{МИЧР} = (\text{МИЧФ} / \text{МИЧТ}) * 100\% \quad (1)$$

Бу ерда:

МИЧР – ҳисобот давридаги маҳсулот ишлаб чиқариш рентабеллиги;

МИЧФ – ҳисобот даврида маҳсулот сотишдан олинган фойда;

МИЧТ – ҳисобот даврида маҳсулотни ишлаб чиқариш таннархи.

(1)-формула суръатида ҳисобот даврида сотилган маҳсулотдан олинган фойда (муайян маҳсулотни сотишдан олинган даромад билан сотилган маҳсулот ишлаб чиқариш таннархи ўртасидаги ижобий фарқ суммаси), маҳражида эса маҳсулотни ишлаб чиқариш таннархи ҳисоб объектлари қилиб

белгиланган. Бунда маҳсулот ишлаб чиқариш таннархи - ҳисобот даврида ишлаб чиқарилиб сотилган, ўз хўжалигида истеъмол этилган ҳамда сотилмай қолган маҳсулотларга тегишли таннархлар йиғиндисидан иборат бўлади. Кўрсаткич муайян маҳсулот учун сарфланган жами ишлаб чиқариш харажати ёки таннархни бир сўмига тўғри келадиган фойда даражасини акс эттириб беради. Формулада ҳеч қандай шартли ёндашувлар ёки ўлчовларга йўл қўйилмайди. Бундан мақсад ҳисобот даврида ишлаб чиқарилган маҳсулот рентабеллигини фаолият учун сарфланган барча харажатларни эътиборга олиб ҳисоблашни таъминлашдир.

Иккинчи тартибдаги рентабелликни (2 формула) ҳисоблаш йўли айнан 1-формулага ўхшаш бўлади.

$$\text{СМР} = (\text{СМФ} / \text{СМИЧТ}) * 100\% \quad (2)$$

Бу ерда:

СМР-ҳисобот даврида сотилган маҳсулот рентабеллиги;

СМФ-ҳисобот даврида сотилган маҳсулотдан олинган фойда;

СМИЧТ – ҳисобот даврида сотилган маҳсулот ишлаб чиқариш таннархи.

(2)-формула бўйича ҳисоблаш объектлари қилиб ҳисобот даврида сотилган маҳсулотдан олинган фойда (сотилган маҳсулотдан олинган даромад билан сотилган маҳсулот ишлаб чиқариш таннархи ўртасидаги ижобий фарқ) ҳамда ҳисобот даврида сотилган маҳсулотни ишлаб чиқариш таннархи олинади. Ушбу формула ҳисобот даврида сотилган маҳсулотга қилинган бир сўмлик харажатга тўғри келадиган фойдалилик даражасини аниқлашга қаратилганлиги билан афзал аҳамият касб этади.

Ҳисобот даврида сотилган маҳсулот рентабеллигини пул оқимлари ҳаракати бўйича аниқлаш тартиби ҳисоб-китобларнинг касса методига асосланган бўлиб, ҳисобот даврида муайян турдаги маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича амалга оширилган пул сарфи, яъни пул чиқими - ҳақиқатда қанча пул маблағи киримини таъминлади деган саволга жавоб беради. Бунда маҳсулот ишлаб чиқариш учун чиқим бўлган ҳар бир сўм пул маблағига шу маҳсулотни сотишдан қанча пул маблағи кирим бўлганини кўрсатиб беради. Ушбу ҳисоб-китоб тартибини қуйидаги формула орқали ифодалаш мумкин:

$$\text{МИЧРП} = (\text{МПК} / \text{МПЧ}) \quad (3)$$

Бу ерда:

МИЧРП – пул оқимлари асосида ҳисобланган маҳсулот ишлаб чиқариш рентабеллиги;

МПК – маҳсулот сотишдан пул кирими;

МПЧ – маҳсулот ишлаб чиқариш учун пул чиқими.

(3)-формуланинг суръатида муайян маҳсулот сотишдан эришилган даромаднинг (ёки фойданинг) ҳақиқатда пулга айланган қисми, маҳражида эса маҳсулот ишлаб чиқариш таннархи таркибидаги харажатларни ҳақиқатда пул кўринишида тўланган бўлаги акс эттирилади. Маҳсулотга сарф ҳамда киримини пул маблағлари оқимига асосланиб ўрганилиши ҳисобот даврида маҳсулот учун қанча пул сарфи чиқим ҳамда ундан пул шаклида қанча кирим бўлишини билишдир. Шу билан бирга маҳсулот учун сарфланган бир сўм пул қиймати қанча қўшимча пул келтира олишига баҳо беришдир. Бизнес фаолиятида пулдан пул чиқариш ҳолатини ўрганиш ҳамда уни тўғри бошқариш ҳозирги даврнинг қатъий талабидир. Таъкидлаш керакки, ҳисоблашиш усули асосида аниқланган рентабеллик, яъни маҳсулотнинг фойдалилик даражаси кўрсаткичидан касса усулини қўллаб ўрганилган маҳсулотни пул келтириш самараси кўрсаткичи бизнес фаолиятида кўпроқ амалий аҳамиятга эга.

Хулоса ва таклифлар

Юқорида кўриб чиқилган миллий ва халқаро тажрибалар ҳамда иқтисодий муносабатлар ривожланишини талабларидан келиб чиқиб, маҳсулот ишлаб чиқариш рентабеллигини аниқлашдаги мавжуд услубий камчиликларни бартараф этиш ҳамда бу борада ўрганилаётган кўрсаткич аниқлигини оширувчи янги қарашларни айтиш мақсадида, қуйидаги фикрларимизни таклиф сифатида билдириб ўтаемиз.

Бизнес фаолиятида маҳсулот ишлаб чиқариш рентабеллик кўрсаткичини ҳисоб-китобини тўғри ҳамда аниқ бўлишини таъминлаш учун маҳсулот ишлаб чиқариш рентабеллиги кўрсаткичини қуйидаги уч тартибда ҳисобланишини таклиф этамиз:

1. Ҳисобот даврида ишлаб чиқарилган маҳсулот учун.

2. Ҳисобот даврида сотилган маҳсулот учун.

3. Ҳисобот даврида сотилган маҳсулот рентабеллигини пул оқимлари ҳаракати асосида ҳисоблаш.

Фикрларимизга хулоса қилиб шуни айтаемизки, корхоналар бизнес фаолиятида маҳсулот ишлаб чиқариш рентабеллик кўрсаткичини тўғри ва аниқ ҳисоблашга эришишни таъминлаш, бошқарув мақсадларида масалага тегишли мақбул қарорларни қабул қилиш учун муҳим асослардан бири бўлади. Бошқарув қарорларини тўғри қабул қилиниши эса корхоналарнинг барқарор ривожланишини таъминлайдиган омилларни ҳаракатлантирувчи манбадир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармонида 1-ИЛОВА “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси”, LEX.UZ

2. Ваҳобов А.В., Ибрагимов Ғ.А., Якубов У.К. Иқтисодий таҳлил ва аудит. Дарслик. -ТМИ. Т.:”Иқтисод-молия”.2015.-368-б. (137-139б).
3. Шоалимов А.Х., Илхамов Ш.И., Тожибоева Ш.А. Иқтисодий таҳлил ва аудит. Дарслик.-Т.:”Сано стандарт” 2017.-392-б. (119б).
4. Хасанов Б.А., Абдурахманова Ф, Кадирова З.Н., Норбоев О.А. Анализ хозяйственной деятельности. Учебное пособие.-Т.:”Сано-стандарт”,2017.-284 б.
5. ПардаевМ.К., ИсроиловЖ.И., ИсроиловБ.И. Иқтисодий таҳлил, Ўқув кўлланма. –Т, 2017. -534 б. (389б).
6. ИшонқуловН.Ф. ва бошқалар. Иқтисодий таҳлил назарияси. Дарслик.”Сано-стандарт” 2014. -336 б. (295б).
7. Shim K., Joel G. Siegel “Modern Cost Management & Analysis”. Barron’s Educational Series, USA. 2000. 346 p.
8. G.S.Gupta. “Managerial economics”. Published by Tata McGraw Hill Education. New Delhi, INDIA. 2011. 431 p.
9. Хакимов Б. Юнусов М. Очилов О. Зарарсизлик нуқтасини ишлаб чиқариш левережи асосида амалга ошириш “Халқаро молия ва ҳисоб” электрон журналі 2017 йил,1-сон.
10. Aldona Skarzynska, Lukasz Abramczuk and Konrad Jablonski. Impact of growing costs on the profitability of crop production in Poland in the mid-term perspective. Journal of Central European Agriculture,2016.17(1).p. 119-138.